

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАШАРИПОВА МАНЗУРА АЛИМБАЕВНА

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРМОҚЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.05 - Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти
08.00.15 - Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Машарипова Манзура Алимбаевна

Хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг
ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш 3

Машарипова Манзура Алимбаевна

Совершенствование организационно-экономических механизмов развития
малого бизнеса в отраслях сферы услуг 29

Masharipova Manzura Alimbaevna

Improving organizational-economic mechanisms of developing small business in
service sectors..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАШАРИПОВА МАНЗУРА АЛИМБАЕВНА

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРМОҚЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.05 - Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти
08.00.15 - Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Iqt375 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.sies.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рузметов Бахтияр

иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич

иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Ғафуров Убайдулло Вахабович

иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация химояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.1.18.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил "28" март соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (998 66) 233-19-84; Факс: (998 66) 231-12-53; e-mail: sies_info@edu.uz.

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (998 66) 233-19-84; Факс: (998 66) 231-12-53; e-mail: sies_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил "20" 05 кун тарқатилди.
(2020 йил "20" 05 даги № 3 рақамли реестр баённомаси).



М.А. Пулатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Н.А. Ибадуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

М.М. Мухаммедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув ва кескин рақобат жараёнлари кечаётган бир шароитда кичик бизнес ва хизматлар соҳаси ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг драйвери сифатида майдонга чиқмоқда. Дарҳақиқат, «2018 йилда Европа давлатларидан Италияда 3,6 млн., Францияда 2,8 млн., Испанияда 2,4 млн. ва Германияда 2,3 млн. та кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатди».¹ «ЕИда барча компанияларнинг 99 фоизи ва иш ўринларининг 85 фоизи, ХХР барча компанияларининг 97,9 фоизи, ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) 58 фоизи, экспорт ҳажмининг 68 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келади»². Шунингдек, «Чехияда ҳар 100 кишига ўртача 9,4, Португалияда 7,7, Швецияда 6,7, Италияда 6,1, Испанияда 5,3, Францияда 4,4, Германияда 2,9, Россияда 2,0, АҚШда 1,3 кичик бизнес субъектлари тўғри келади»³. Бугунги кунда кичик бизнес янги ишчи ўринларини яратишга ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ҳам ривожлантиришга кенг имкониятлар яратмоқда.

Жаҳонда хизматлар соҳаси ва кичик бизнесни янада ривожлантириш, унинг макроиқтисодий кўрсаткичларидаги улушини ошириш, жойларда аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш, турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида хизмат кўрсатиш тармоқларида КБХТни ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланиш ва тадқиқотларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Шу жиҳатдан, хизматлар соҳасида кичик бизнесни ривожланиши асосида соҳа самарадорлигини ошириш, хизмат кўрсатиш тармоқларида КБХТни самарали фаолиятини таъминловчи ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштириш, ҳудудий ва макроиқтисодий даражада хизматлар соҳасидаги КБХТнинг мультипликатив самарани келтириб чиқаришини инобатга олган ҳолда жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида хизматлар соҳасида КБХТни ривожлантириш йўналишидаги илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистонда ҳам хизматлар соҳаси ва КБХТнинг ЯИМдаги улуши йил сайин барқарор ошиб боргани ҳолда кейинги уч йил мобайнида бевосита мазкур соҳаларни янада қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор Президент Фармонлари ва ҳукумат Қарорлари қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, ЯИМнинг таркибида хизмат кўрсатиш соҳаси ва КБХТ улушини ошириш, хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини тубдан ўзгартириш»⁴ устувор вазифалар сифатида белгиланган. Шунингдек, ҳудудларда хизматлар соҳасида фаолият

¹ Eurostat <http://xn-80aplem.xn-p1ai/analytics/Malyj-i-srednij-biznes-v-stranah-Evrope>.

² The Export-Import Bank of Korea. Hidden Champion Initiative [Электронный ресурс]. URL: <https://www.koreaexim.go.kr/site/homepage/menu/viewMenu>. Menuid

³ www.exim.gov/sites/default/files/reports/EXIM-Competitiveness-Report_June2017.pdf

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони\lex.uz

юритаётган КБХТ корхоналарини модернизациялаш, КБХТ асосида хизматлар таркибини диверсификациялаш, юқори сифатли, рақобатбардош хизматлар кўрсатишни кўпайтириш, соҳага инновацион технологияларни жорий этиш, жойларда хизмат кўрсатиш тармоқларида КБХТни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизм (ТИМ) ларини такомиллаштириш, соҳада КБХТ субъектлари фаолиятини фаоллаштиришнинг самарали усуллари жорий этишни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4231-сон Қарори, 2017 йил 17 мартдаги “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2843-сон Қарори, 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4095-сон Қарори, 2019 йил 20 ноябрдаги “Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги “2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 55-сонли Қарори ва соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожланиши, ТИМларини назарий-услубий муаммолари хорижлик иқтисодчилардан И.Ансофф, Ф.Котлер, Дж.Боуэн, Дж.Мейкенз, Р.Кантильон, М.Мексон, М.Алберт, Ф.Хедоури, П.Дойль, Ж.Ж.Ламбен, Р.Хизрич, М.Питерс, Ф.Хайек, М.Хаит ва бошқа олимлар⁵нинг ишларида тадқиқ этилган. Уларнинг илмий изланишларида хизмат кўрсатишнинг янги шакли ва уларни ташкил этишнинг зарурияти, хизмат кўрсатиш соҳасида бизнесни юритиш хусусиятлари, стратегияси ва

⁵И.Ансофф. Новая корпоративная стратегия. - СПб: Издательство «Питер», 1999.; Ф.Котлер, Дж.Боуэн, Дж.Мейкенз. Маркетинг. Гостеприимство и туризм: Уч.для вузов: Пер. с англ. Под ред. Р.Б.Ноздревой. - М.: ЮНИТИ, 1998.; М.Мексон, М.Алберт, Ф.Хедоури. Основы менеджмента. - М.: ИНФРА-М, 1992.; П.Дойль. Менеджмент: стратегия и тактика: Пер. с англ. - СПб.: «Питер», 1999. - 560 с.; Ж.Ж.Ламбен. Менеджмент ориентированный на рынок. 2-е изд. /Пер. с англ. - СПб.: Р.Хизрич, М.Питерс. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. - М.: Прогресс, 1991. - 223 с.; Ф.Хайек. Дорога к рассвету - М.: Экономика, 1992. - 91 с.; М.М.Хаит. Развитие малого бизнеса на основе реструктуризации крупных предприятий//Вестник МГУ, сер. 6. Экономика, №4, 2006. - С.32-43.;

тактикаси масалалари, хизмат кўрсатишнинг ташкил этилиши ва самарадорлиги масалаларини ўрганиш ўз аксини топган.

Ушбу муаммолар йўналишида МДХ мамлакатларининг иқтисодчи олимларидан Г.А.Аванесова, А.Э.Айказян, А.Н.Алейников, Ю.П.Анискин, А.О.Блинов, А.В.Виленский, А.В.Егорушкин, А.М.Игнатъев, А.Б.Крутик, Л.О.Лабулько, А.И.Муравьев, В.А.Петров, А.Л.Пименова ва бошқалар⁶нинг илмий ишлари бағишланганлигини қайд қилиш лозим.

Миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистонда хизматлар соҳасини шакллантириш, соҳада КБХТни ривожлантиришнинг илмий-назарий, ташкилий-ҳуқуқий ва методологик асослари республикамизнинг иқтисодчи олимларидан С.С.Ғуломов, М.Э.Пўлатов, Б.Ю.Ходиев, Б.Рузметов, С.К.Салаев, У.В.Ғофуров, М.Қ.Пардаев, М.М.Мухаммедов, И.С.Тухлиев, Қ.Ж.Мирзаев, Б.Н.Навруз-зода, Ж.Р.Зайналов, Б.А.Абдукаримов, К.Б.Ўразов, Н.Қ.Мурадова, Б.Х.Тураев, Н.Э.Ибадуллаев, Б.Ш.Сафаров, ва бошқалар⁷нинг асарларида кенг ёритилган. Ушбу илмий ишларда хизмат кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари, соҳада КБХТни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, моделлаштириш ва прогнозлаш, кичик ва йирик бизнеснинг кооперация алоқалари масалаларига кўпроқ эътибор қаратилган.

Бироқ, хизмат кўрсатиш тармоқларида КБХТни ривожлантиришнинг тенденцияларини асослаш, янги ташкилий-иқтисодий механизм (ТИМ) ларини шакллантириш ва такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш,

⁶Г.А.Аванесова. Сервисная деятельность: историческая и современная практика, предпринимательство, менеджмент: Учеб. пособие. - М.: Аспект Пресс. - 2004. - 317, 1. с. А.Э.Айказян. Реализация инвестиционных промышленных проектов в сфере малого предпринимательства. М.: РАН, Ин-т. Экономики. - 2000, А.Н.Алейников. Предпринимательская деятельность. М. - 2003., Ю.П.Анискин. Организация и управление малым бизнесом. М.: Финансы и статистика. - 2002; Т.Д.Бурменко. Экономика сферы услуг. - Иркутск: Изд-во БГУЭП, 2004.; Романов Ж.А. Сервисная деятельность М: Дашкови К. 2006.; Азар В.И., Туманов С.Ю. Экономика туристского рынка: Институт Международного туризма. - М.: ИПКгосслужбы, 1998. С 34.

⁷ Гулямов С.С., Догиль Л.Ф., Семенов Д. Предпринимательства и малый бизнес. - Т.: ТГЭУ, 1996. - с.19-83., Зайнутдинов Ш.Н. Хизмат кўрсатиш соҳаси менежменти. - Т.: Иқтисодиёт, 2012. Т.Д.Дўстжанов, С.К.Салаев. Кичик бизнеснинг катта имкониятлари.- Урганч.: Хоразм, 1997.; М.Қ.Пардаев, Р.Атабаев, Б.Р.Пардаев. Туризм соҳасини ривожлантириш имкониятлари. Рисола. Т.: 'Fan va texnoloqiya', 2007.; Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик, II қисм Т.: «Фан ва технология». 2008., А.Н.Самадов, Г.Останакулова. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. -Т.: Иқтисод- молия, 2008.; С.К.Салаев, Н.Б.Файзуллаев, Б.У.Таджиев. Ўзбекистонда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш йўналишлари. Т.:Фан ва технология, 2011; М.Қ.Пардаев ва Ҳ.Н.Мусаевлар умумий таҳрири остида. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. - Т.: Iqtisod-moliya, 2008. - 259 б.; Д.Р.Зайналов. Услуги и сервис как экономическая категория // Сервис. - Самарканд, 2009. - №1.; Пўлатов М.Э., Мирзаев Қ.Ж, Султонов Ш.А, Шавқиев Э. Глобал иқтисодий ривожланиш (туризм иқтисодиёти). Ўқув қўлланма. Т.: Фан ва технология, 2018. - 296 б.; Ҳамидов О.Ҳ. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш. Иқт.фанд.доктори (DSc) дисс. автореферати. Самарканд, 2017; Мурадова Н.Қ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш.. Иқт.фанд.доктори дисс.автореферати. Т.2016 Тураев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. - Т.:Фан, 2009., Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари. Монография. Иқтисодиёт, - Тошкент, 2015. - 300 б.; Норкулова Д.З. Ўзбекистонда социал туризм хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш. (Ph.D) фалсафа доктори. дисс. автореф Самарканд, 2018; Б.Олланазаров. Давлат-хусусий шерикчилиги механизми асосида туризм соҳасида инвестицион фаолликни ошириш йўналишлари // Хоразм Маъmun академияси ахборотномаси. Хива.2019. - №1. Б.36-41.

соҳада инновацион йўналишдаги КБХТ шакллари ривожлантириш, ҳудудий даражада айнан хизматлар соҳаси КБХТ субъектларига таъсир этувчи омилларни эконометрик моделлаштириш ва баҳолаш, устувор йўналишларини асослаш бўйича яхлит илмий изланишларнинг етарли даражада амалга оширилмаганлиги тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университетининг “Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақани комплекс ривожлантириш ва инновацион иқтисодиётни шакллантиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мос келади ҳамда Ф-1-101 “Глобаллашув шароитида минтақалар иқтисодиёти рақобатбардошлиги ўсишига методологик ёндашувлар” мавзусидаги давлат гранти лойиҳаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

инновацион ривожланиш шароитида хизмат кўрсатиш тармоқларини назарий-услубий ўрганиш ва таснифни амалга ошириш;

хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга тизимли ёндашувни асослаш;

хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг “тармоқ” ва “ҳудуд” имкониятларини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш;

хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнесни ривожлантиришда коворкинг марказлари, кичик бизнесни стратегик зоналарини ташкил этишни асослаш;

минтақада туризм тармоқларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш;

хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Ўзбекистон, хусусан, Хоразм вилояти хизмат кўрсатиш тармоқларидаги кичик бизнес субъектлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда абстракт-мантикий таҳлил, индукция ва дедукция, ижтимоий сўровнома, иқтисодий-статистик таҳлил, эконометрик моделлаштириш каби баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

махалла фуқаролар йиғинлари қошидаги тадбиркорлик фаолияти бўйича маслаҳат марказлари негизида давлат-хусусий шериклик тамойили асосида коворкинг марказларини ташкил этиш ва ҳудудлардаги хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнесни ривожлантириш таклифи ишлаб чиқилган;

вилоят иқтисодий салоҳияти ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик субъектларининг нисбатан истикболли, юқори рақобат устунлиги ҳамда барқарор даромад олиш имкониятини таъминловчи кичик бизнеснинг стратегик зоналарини ташкил этиш асосланган;

тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш бўйича “тармоқ” ва “ҳудуд” имкониятларини уйғунлаштириш ва уларни кенгайтириб бориш асосида минтақа хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнесни ривожлантириш таклифи ишлаб чиқилган;

Хоразм вилояти учун хос бўлган “пазандачилик брендлари”ни тайёрлашга ихтисослашган оилавий кичик корхоналар шаклидаги ресторан бизнесини кенгайтириш асосида гастрономик туризмни ривожлантириш таклифи асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Хоразм вилояти мисолида жойларда маҳалла фуқаролар йиғинлари қошидаги тадбиркорлик фаолияти бўйича маслаҳат марказлари негизида ДХШ асосида коворкинг марказларини ташкил этиш механизми орқали туман ва шаҳарларда хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнесни ривожлантириш таклиф этилган.

вилоят иқтисодий салоҳияти ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда макро, мезо ва микродаражаларда хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожланиш тенденциялари, ички ва ташқи имкониятларини баҳолаш орқали КБХТ субъектларининг нисбатан истикболли, юқори рақобат устунлиги ҳамда барқарор даромад олиш имкониятини таъминловчи кичик бизнес хўжалик юритишининг стратегик зоналарини ташкил этиш таклиф этилган;

вилоят туман ва шаҳарларида хизматлар соҳасида кичик бизнеснинг ривожланиши ҳолати социологик анкета сўровномалари орқали баҳоланган ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш бўйича “тармоқ” ва “ҳудуд” имкониятларини кенгайтириб боришини инобатга олган ҳолда ,минтақа хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилган;

Хоразм вилояти гастрономик туризм соҳаси субъектлари учун хос бўлган “пазандачилик брендлари”ни тайёрлашга ихтисослашган оилавий кичик корхоналарнинг рақобатбардошлиги эксперт баҳоланиб, йиғма рақобатбардошлик кўрсаткичлари ишлаб чиқилган ҳамда ресторан бизнесини кенгайтириш орқали гастрономик туризмни ривожлантириш асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика усуллари орқали асосланганлиги, ҳулоса,

таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, хизматлар соҳасида КБХТни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларидан самарали фойдаланиш, янги механизмларини жорий қилиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар ва таклифлар Хоразм вилояти туман ва шаҳарларида хизматлар соҳасини янада жадал ривожлантириш, устувор йўналишлар бўйича янги инновацион хизматларни кириб келишига, вилоят ҳудудлари даражасида хизмат кўрсатиш тармоқлари, хусусан, гастрономик ва умумий туристик хизматларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти хизмат кўрсатиш тармоқларида КБХТни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси тасарруфидаги ҳудудий тузилмалари фаолиятида бевосита фойдаланиш мумкинлиги, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқишга муайян даражада хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хизмат кўрсатиш тармоқларида КБХТни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маҳалла фуқаролар йиғинлари қошидаги тадбиркорлик фаолияти бўйича маслаҳат марказлари негизида давлат-хусусий шериклик тамойили асосида коворкинг марказларини ташкил этиш ва ҳудудлардаги хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнесни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси фаолиятига қўллаш учун жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси 2019 йил 19 декабрдаги 11/0819782-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида ҳудудда хизмат кўрсатиш тармоқларида ДХШ асосида инфратузилма ривожланиб, КБХТ субъектлари маҳсулотлари ҳажмини янада оширишга эришилган;

вилоят иқтисодий салоҳияти ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик субъектларининг нисбатан истикболли, юқори рақобат устунлиги ҳамда барқарор даромад олиш имкониятини таъминловчи кичик бизнеснинг стратегик зоналарини ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятига қўллаш учун жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси 2019 йил 23 декабрдаги 01-22/9241-сон далолатномаси). Ушбу механизмни амалиётга жорий этиш натижасида вилоятда хизматлар соҳасида КБХТ субъектларининг ҳаётий цикли ва фаолият самарадорлиги ошишига эришилган;

тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш бўйича “тармоқ” ва “худуд” имкониятларини уйғунлаштириш ва уларни кенгайтириб бориш асосида минтақа хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнесни ривожлантириш бўйича илмий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятига қўллаш учун жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 23 декабрдаги 01-22/9241-сон далолатномаси). Бу таклифнинг амалга оширилиши хизматлар соҳасида КБХТ субъектлари ва хизматлар сонини янада оширишга имкон берган;

Хоразм вилояти учун хос бўлган “пазандачилик брендлари”ни тайёрлашга ихтисослашган оилавий кичик корхоналар шаклидаги ресторан бизнесини кенгайтириш асосида гастрономик туризмни ривожлантириш бўйича илмий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятига қўллаш учун жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 23 декабрдаги 01-22/9241-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши хизматлар соҳасида КБХТ субъектлари ва хизматлар сонини янада оширишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 16 та, жумладан, 4 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, (7 та республика ва 3 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 150 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларининг назарий-услубий асослари ”** деб номланган биринчи бобида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишининг назарий асослари ва замонавий тенденциялари, инновацион ривожланиш шароитида хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожланишининг назарий ва илмий асослари, соҳада КБХТни

ривожланишининг ташкилий-иқтисодий механизмлари моҳияти, уларнинг тавсифланиши ва хусусиятлари, хорижий давлатларда хизмат кўрсатиш тармоқларида КБХТни ривожлантиришнинг илғор тажрибалари ва улардан миллий иқтисодиётда самарали фойдаланиш масалалари таҳлил қилиб ўтилган.

Бугунги кунда, хизматлар соҳасини ривожлантириш жаҳон хўжалиги етакчи тармоқларидан бирига айланиб бораётган бўлсада, ушбу соҳада кичик бизнесни ривожлантиришда тармоқ рақобатбардошлигини таъминлашга эришиш зарур. Айнан шунинг учун ҳам хизматлар кўрсатиш соҳасида кичик бизнесни ривожлантиришнинг ТИМни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб боришга зарурат туғилмоқда.

Хизматларни маълум даражада тартибга келтириш учун бир қанча халқаро ташкилотлар ҳам шуғулланиб келмоқдалар. Аммо, бизнинг фикримизча, хизматларни таснифлашда уларнинг назарий асосидан, яъни биринчи галда, таърифидан келиб чиқмоқ мақсадга мувофиқдир.

Хизмат дейилганда инсоннинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади.⁸ Таърифдан кўриниб турибдики, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда хизматлар соҳасининг ўрни ва таъсири катта. Чунки аҳолининг турмуш сифатини оширишда хизматлар тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган омиллардан бири ҳисобланади.

Ишда ривожланган давлатларда хизмат кўрсатиш тармоқларини таснифлаш услубиёти ва умумреспублика таснифлагичидан келиб чиққан ҳолда хизматлар соҳаси ва сервисининг асосий йўналишлари таснифи ишлаб чиқилди. Буларни қуйидаги йўналишларда қарашни мақсадга мувофиқ, деб топдик:

- таълим ва ўқув хизматлари;
- илм-фан ва илмий ташкилотлар хизматлари;
- ахборот ва алоқа хизматлари;
- қурилиш ва таъмирлаш хизматлари;
- транспорт ва у билан боғлиқ ташиш хизматлари;
- озик-овқат ва ичимликлар етказиб бериш билан боғлиқ хизматлар;
- қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари хизматлари;
- туризм хизматлари;
- савдо ва умумовқатланиш хизматлари;
- маиший хизматлар;
- молия ва банк, суғурта хизматлари;
- соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар;
- хавфсизлик ва профессионал техник хизматлар;
- маданият, санъат, спорт каби хизматлар.

⁸ М.Қ.Пардаев ва Ҳ.Н.Мусаевлар умумий таҳрири остида. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: Iqtisod-moliya, 2008. – 29 б

Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири хизмат кўрсатиш ва КБХТни ривожлантиришга қаратилган. Чунки, ушбу соҳалар мамлакат иқтисодий-ижтимоий салоҳияти даражасини белгилайдиган ва уларнинг барқарорликни таъминлайдиган соҳалардир.

Жаҳон иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ЖСТнинг талаблари асосида барча соҳалардаги каби хизмат кўрсатиш тармоқларида КБХТнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, ташкилий-иқтисодий механизмларини ривожлантириш имкониятларини чуқур илмий асослаш масалалари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги кичик бизнес субъектларида инновацион жараёнларни такомиллаштириш, бошқарувнинг барча даражаларда инновацион фаолиятни иқтисодий рағбатлантириш тизимини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ҳозирги шароитларда бирламчи аҳамият касб этмоқда⁹.

Хизмат кўрсатиш тармоқларида КБХТни ривожлантиришни назарий ва амалий масалаларини, ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш муаммоларини комплекс тадқиқ этиш, соҳа субъектларини инновацион фаоллигини оширишга имкон берувчи стратегик йўналишларни ишлаб чиқиш қуйидаги вазифаларни ҳал қилишни талаб қилади:

- хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнесни инновацион ривожлантириш механизмини шакллантириш ва амалга ошириш;
- хизмат кўрсатиш тармоқларида КБХТ субъектларининг инновацион фаоллик даражасини таҳлил ва ташҳис қилиш усулини аниқлаш;
- хизматлар соҳасида кичик бизнесни ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг тенденцияларини аниқлаш.

Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш тармоқларида КБХТни янада ривожлантириш бўйича жойларда давлат, ДХШ асосида алоҳида ёки фуқаролар йиғинлари маслаҳат кенгашлари негизида **коворкинг** марказларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. *Coworking* инглизча "ҳамкорлик" деган маънони билдириб, турли касб йўналишидаги кишиларни ягона умумий маконда ишлашларини, қулай иш ўринларини яратиш ва резидентлар ҳамжамиятини, ички маданиятни шакллантиришни назарда тутди¹⁰.

Коворкинг атамасини илк бор машҳур назариячи ва дизайнер Бернард Ковен фанга киритган бўлиб, у коворкингни "салоҳияти тенг кишиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятидир" деб атаган. У компаниялар учун ақлий ҳужум қилиш ва муҳокамалар учун ташкил этилган семинарларга коворкинг деб

⁹ Бухтиярова Т.И., Дубынина А.В. Механизм реализации инновационных целей развития экономики // Национальные интересы: приоритеты и безопасность. 2014. № 16. С. 2-14.

¹⁰ Janet Merkel. Coworking in the city (англ.). Ephemera (2015).

ном берган¹¹. Айнан Ковен коворкинг ҳаракатининг асосчиси сифатида coworking.com доменига эгалик қилган¹².

Коворкинглар кўпинча фойдаланилмаётган эски бино ва иншоотлар, завод цехлари, эски мактаблар биноларида фаолият кўрсатгани ҳолда ойлик бадаллар эвазига нотижорат шерикчилиги сифатида таъсис этгани ҳолда иштирокчиларга иш жойлари, бепул Wi-Fi, ижтимоий нонушталар, велосипедларда жамоавий сайрларни тақдим этишни назарда тутди.¹³ Илк коворкинглар 2005 йилда Лондонда, 2007 йилда Берлинда ташкил қилинди ва дунёдаги энг йирик коворкинглардан саналади. Масалан, Лондондаги *The Hub* 5 та қитъада 65 та маконни бирлаштирувчи халқаро тармоқ сифатида, Берлиннинг Кройцбергида очилган *Business Class Net* франшиза тизимида ривожланаётган дастлабки коворкинглар тармоқларидан бири бўлган¹⁴.

Коворкингларга бағишлаб чоп қилинадиган *Deskmag* нашрининг маълумотларига кўра, 2015 йилнинг бошига дунё бўйлаб 6000 дан ортиқ коворкингларда 300 минг киши фаолият кўрсатмоқда¹⁵. Уларнинг сони бўйича биринчи ўринда АҚШ, кейинги ўринларда эса Германия, Испания, Буюк Британия ва Япония жойлашган¹⁶.

Бизнинг республикамызда эса илк коворкинглар 2018 йил 27 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар келажагимиз Давлат Дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сон Фармонида расмий киритилганидан кейин пайдо бўла бошлади. Чунки, 2018 йилгача коворкинг атамаси умуман ишлатилмаган ва коворкингга ўхшаб фаолият юритган “Бизнес-инкубаторлар”, “Консалтинг марказлари”, “Ёшлар марказларидаги ёш тадбиркорлар мактаблари”, “Тадбиркор аёл” нодавлат ташкилотлари, Ўзбекистон ёзувчиларининг “Дўрмон”, “Зомин” сиҳатгоҳлари шулар жумласидан саналади. Аммо, том маънодаги коворкинглар бугунги кунда республикамызнинг қарийб барча 14 та минтақасида ташкил қилинган.

Юқоридаги назарий ва амалий масалалардан келиб чиқиб, ушбу атаманинг таърифини ишлаб чиқдик. **Коворкинг маркази** деганда, иқтисодиётнинг муайян ёки барча тармоқларида фаолият бошлаётган ёки фаолият кўрсатаётган КБХТ субъектлари фаолиятнинг турли босқичларида, муайян операциялар учун бизнес-режа тузиш, маслаҳатлар беришга мўлжалланган кўнгилли тадбиркорлар, мутахассис-фуқароларнинг ўзаро мулоқотлар ва муносабатлари амалга ошириладиган жой, маконини тушуниш зарур.

Фикримизча, юқоридаги коворкинг марказларида илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантиришга катта эътибор қаратилиши кичик

¹¹ Bernard De Koven. The Coworking Connection (англ.). Deepfun.com

¹² Bernard De Koven. A Playful Path. — ETC Press, Lulu.com, 2014. С 299-300- 304 с. ISBN 9781304351821

¹³ Bruno Moriset. Building new places of the creative economy. The rise of coworking spaces(англ.). HAL (2013); Christina Ng. Coworking spaces: a new lease on life for historical architecture (англ.). Deskmag.com (25 March 2013); Brad Neuberg Coworking - Community for Developers Who Work From Home (англ.). Codinginparadise.org (9 August 2005).

¹⁴ Dermot Egan Coworking puts the spark back into office life (англ.). The Guardian(22 December 2011); Информациа о числе коворкингов на сайте Impact Hub Global Community (англ.)

¹⁵ These major coworking events will take place in 2015 (англ.). Deskmag.com (5 January 2015).

¹⁶ Carsten Foertsch. 4.5 New Coworking Spaces Per Work Day (англ.). Deskmag.com (4 March 2013).

бизнеснинг стратегик зоналарини аниқлашда, ДХШ алоқалари асосида илм-фан ютуқларидан кенг ва самарали фойдаланишда, инновацион тадбиркорликни ривожлантиришда, миллий иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларини модернизация қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг **“Хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнеснинг ривожлантириш омиллари”** деб номланувчи иккинчи бобида хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнеснинг ривожланиш ҳолати ва унинг иқтисодий кўрсаткичларидаги ўзгаришлар, соҳада КБХТни ривожлантириш жараёнларига инновация ва инвестицияларни жалб қилиниши, хизмат кўрсатиш тармоқларида КБХТнинг ривожланиши социологик тадқиқотлар ёрдамида асослаб берилган.

Хизматлар соҳасининг кейинги даврдаги ривожини уни иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасини тавсифловчи муҳим индикаторлардан бири сифатида шаклланишини таъминлади. Хусусан, хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи кучи сифатида майдонга чиқиб, савдо, бандлик ва ЯИМни ўсишини таъминлашда салмоқли ўринга эга бўлмоқда¹⁷.

Ўтган даврда хизматлар соҳасининг иқтисодиётдаги улуши мунтазам равишда ошиб борди. Хусусан, 1980-2017 йилларда ЯИМдаги хизматлар улуши ривожланган давлатларда 61 фоиздан 76 фоизгача, ривожланаётган давлатларда эса 42 фоиздан 55 фоизгача ўсди.¹⁸

Бизнинг фикримизча, бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда аҳоли фаровонлиги, турмуш даражасини ошириш бевосита мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан салоҳияти хизматлар соҳасининг ривожланганлик даражаси билан ҳам белгиланади. Статистик маълумотларга кўра, юқори турмуш даражасига эга бўлган ривожланган давлатларда хизматларнинг ЯИМ даги улуши юқори даражага етган. Жумладан, дунёнинг ривожланган мамлакатларидан бири АҚШда 2017 йилда ЯИМда хизматларнинг улуши 76,7 фоизни, Швейцарияда 71,5 фоизни, Буюк Британияда 70,6 фоизни, Нидерландияда 70,3 фоизни, Японияда 68,8 фоизни ташкил қилганлигини кўриш мумкин¹⁹.

Демак, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улуши бошқа соҳаларга нисбатан юқори бўлишига қарамасдан, жаҳон ҳамжамияти кўрсаткичлари билан солиштирганда анча паст. Чунки, 2017 йилда жаҳонда хизматларнинг ЯИМдаги улуши 65 фоизни ташкил қилган бир пайтда, Ўзбекистон анча пастки ўринларда қолиб келмоқда²⁰ (1-расм).

Расмдан кўринадики 2000-2005 йилларда Ўзбекистон ЯИМда хизматлар улуши анча барқарор бўлиб, жаҳон ЯИМда хизматлар улуши тренди билан бир хил бўлган. 2006-2013 йилларда эса у жаҳондаги кўрсаткичдан фарқли равишда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бироқ, кейинги яъни 2014-2018


¹⁷ The role of the services economy and trade in structural transformation and inclusive development, United Nations Conference on Trade and Development, Multi-year Expert Meeting on Trade, Services and Development, Fifth session, Geneva, 18–20 July 2017

¹⁸ Ўша жойда

¹⁹ <http://wdi.worldbank.org/table/4.2>


²⁰ https://data.worldbank.org/indicator/NV.SRV.TOTL.ZS?most_recent_year_desc=true

йилларда Ўзбекистонда хизматларнинг ЯИМдаги улуши камайиш тенденциясига эга бўлиб, 2014 йилда 2013 йилдаги 44,6 фоиздан 36,1 фоизга камайган ва кейинги йилларда пасайиш тенденцияси давом этиб келган.



1-расм. Жаҳон ва Ўзбекистон ЯИМда хизматлар улушининг ўзгариши (2000-2018 йиллар, фоизда)²¹

Хизматлар соҳаси ривожланишидаги асосий муаммолардан бири вилоятлар кесимидаги аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажмидаги фарқнинг катталигида намоён бўлмоқда. Жумладан, 2018 йилда Ўзбекистон Республикасида ҳар бир аҳолига 4455,6 минг сўмлик хизмат кўрсатилган бўлса, бу кўрсаткич ҳудудлар кесимида Тошкент шаҳрида 19439,6 минг сўмни ташкил қилган ва у республикадаги кўрсаткичдан 4,4 баробарга юқоридир. Бундан ташқари, Тошкент шаҳридан ташқари ҳеч бир ҳудудда бу кўрсаткич республика кўрсаткичидан юқори эмас. (2-чизма)



2-чизма. Ўзбекистон Республикаси минтақаларида аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ва ЯИМ, ЯХМда хизматлар улуши²².

²¹ Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

²² Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Мазкур расмдан кўриниб турибдики, айрим вилоятларда хизмат кўрсатиш ҳажми кам бўлсада, уларнинг ЯХМдаги улуши юқори. Буларга Наманган, Самарқанд ва Сурхандарё вилоятлари киради. Хоразм вилоятида хизматларнинг улуши ЯХМ таркибида 29,1 %ни ташкил қилади.

Мазкур вилоятда 2016-2019 йилларда ЯХМда энг юқори улуш транспорт, савдо, молия, АКТ хизматларига тўғри келган. Кейинги йилларда таълим, соғлиқни сақлаш, яшаш ва овқатланиш хизматларининг ҳам ўсиши кузатилмоқда (1-жадвал).

1-жадвал.

2016-2019 йилларда Хоразм вилоятида хизмат кўрсатиш тармоқлари ялпи маҳсулотининг таркиби динамикаси, фоизларда²³

Хизмат кўрсатиш тармоқлари	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
ЖАМИ ХИЗМАТЛАР	100,0	100,0	100,0	100,0
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	7,1	7,2	6,6	5,2
молия хизматлари	9,5	10,6	12,8	16,8
транспорт хизматлари	34,7	31,5	27,2	24,8
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	33,5	30,5	25,9	23,7
яшаш ва овқатланиш хизматлари	2,1	2,3	2,3	2,3
савдо хизматлари	25,4	26,5	28,6	27,8
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	3,6	3,4	3,2	3,0
таълим соҳасидаги хизматлар	2,9	3,8	4,3	4,8
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	1,4	1,7	1,7	1,7
ижара хизматлари	2,3	2,3	2,3	2,2
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	3,6	3,4	3,4	3,4
бошқа шахсий хизматлар	3,4	3,1	2,9	3,1
меъморчилик, муҳандислик, техник синов ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	0,8	1,0	1,5	1,4
бошқа хизматлар	2,5	2,5	2,5	2,7

Ўзбекистонда хизматлар соҳасида КБХТнинг улуши 55,2 фоизни ташкил қилгани ҳолда бу кўрсаткич қурилишда 66,6 фоизни қишлоқ хўжалигида эса 98,1 фоизни ташкил қилади²⁴. Демак, хизматлар соҳасида КБХТни янада ривожлантириш имкониятлари мавжуд. 2019 йил 1 январ ҳолатига мамлакатимизда фаолият юритаётган 323,5 мингта корхона ва ташкилотларнинг 213 мингтаси, яъни 65,8 фоизи хизматлар соҳасида фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг 153 мингдан ортиғи КБХТ субъектлари бўлиб, улар жами корхоналарнинг 72,2 фоизини ташкил этади. Мамлакатимизда фаолият юритаётган КБХТ субъектларнинг сони 2018 йилда 262,9 мингтани ташкил қилган бўлса, ундан 58,5 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасидаги КБХТ субъектларини ташкил қилади²⁵.

²³ Муаллиф ҳисоб-китоблари

²⁴ www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси расмий веб сайти)

²⁵ www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси расмий веб сайти)

Таҳлилларимизга кўра, аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми билан ҳар 1000 кишига тўғри келадиган КБХТ субъектлари сони орасида юқори корреляцион боғлиқлик мавжуд бўлиб, корреляция коэффиценти 0.77 га тенг. Шунингдек, яратилган ялпи хизматлар ҳажми билан янгидан ташкил қилинган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони орасидаги корреляция коэффиценти 0.99 га тенг бўлиб, жуда юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Ҳар минг аҳолига тўғри келадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони билан яратилган ялпи хизматлар орасидаги корреляция коэффиценти эса кичик бўлиб, 0.18 га тенг. ЯХМда КБХТни улуши билан ялпи яратилган хизматлар орасида ҳам манфий боғлиқлик мавжуд бўлиб, корреляция коэффиценти - 0.27 га тенг.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар билан яратилган ялпи хизматлар орасидаги корреляцион боғлиқлик ҳам кучсиз, бу $R^2=0,33$ га тенг. Бундан ташқари, жадвалга кўра, ЯХМда КБХТни улуши келтирилган барча кўрсаткичлар билан манфий боғлиқликка эга. Янгидан ташкил қилинган кичик корхона ва микрофирмалар сони билан ҳар 1000 аҳолига кичик бизнес субъектлар сони орасидаги $R^2=0,11$ га тенг бўлиб, жуда кучсиз. Назарий жиҳатдан бу иккала кўрсаткич орасида кучли боғлиқлик бўлиши лозим. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида ҳудудлар кесимидаги ривожланиш ҳамда янгидан ташкил қилинган корхоналарнинг яшовчанлик коэффицентларидаги фарқларнинг мавжудлигини кўрсатиш мумкин.

Янгидан ташкил қилинган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонини ўсиши мамлакатимиз ҳамда унинг ҳудудларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишини таъминлашга имконият яратади. 2018 йилда мамлакатда яратилган ялпи хизматларнинг 3 фоизи Хоразм вилояти улушига тўғри келади. Бундан ташқари ЯХМ ҳамда хизматлар соҳасида КБХТнинг улуши анча юқори бўлиб, улар мос равишда 75,9 ҳамда 68,4 фоизни ташкил қилади²⁶. Шунингдек, вилоят юқори туристик салоҳиятга эга бўлган, ҳукуматимиз томонидан ҳудудда хизматлар, хусусан, туристик хизматларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган ҳудудлардан бири саналади.

Тадқиқотда Хоразм вилояти хизматлар соҳасидаги КБХТ субъектларининг фаолияти социологик анкета сўровномалари асосида ўрганилиб, кичик бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмидаги камчиликлар аниқланди ва бартараф қилиш бўйича илмий асосланган тавсия ҳамда таклифлар ишлаб чиқилди. Унга кўра, респондентларнинг 90 фоизи расмий фаолият юритаётганлиги, ҳудудда хизмат кўрсатиш соҳасида яширин иқтисодиётнинг улуши камаяётганлигини таъкидлаган. “Фаолиятингиздан мақсадингиз нима?” деган саволга 56 фоиз респондентлар “аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш”, 20,7 фоизи “қонуний фаолият юритиш ва фойда олиш”, 10,3 фоизи “фойда олиш ҳисобига жамиятдаги мавқеимни мустаҳкамлаш”, 5 фоизи “аҳоли саломатлигини яхшилаш ва сифатли тиббий хизмат

²⁶ www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари)

кўрсатиш”, мос равишда 2,7 фоизи эса “халқ хизматида бўлиш, даромад олиш ва бойиш ҳисобига турмуш даражасини ошириш” деб жавоб беришган.

Шунингдек, охириги қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсири бўйича берилган саволга 91 фоиз тадбиркорлар кейинги қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг фаолиятига таъсири жуда ижобий бўлганлигини, 6 фоиз респондент таъсирини сезмаганлигини, 3 фоиз респондент эса таъсири унча сезиларли бўлмаганлигини таъкидлашган.

Респондентларнинг 14,3 фоизи кредитга муҳтожлигини, 29,7 фоизи кредит таклиф қилинганлиги, аммо фоизи жуда юқори бўлгани учун олмаганлигини, 12,3 фоизи банк ходимлари томонидан таклиф қилинган кредитни олмақчилигини, яна 12 фоиз тадбиркорлар паст фоизли кредит олиш истаги борлигини айтишган. Кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг банк кредитларига муносабатлари турлича.

Диссертациянинг **“Хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўллари”** деб номланган учинчи бобида хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнесни ривожлантириш ва технологик янгиланишни бошқаришда жаҳон тажрибаси ва улардан фойдаланиш, соҳада КБХТни ривожлантириш учун ташкилий-иқтисодий омиллардан самарали фойдаланиш йўллари кўриб ўтилган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда хизматлар соҳаси тараққиётини таъминлаш ҳамда КБХТни қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги “2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 55-сон Қарори қабул қилинган бўлиб, унга мувофиқ хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳисобига ЯИМни кўпайтириш, унинг республика иқтисодиётидаги улушини 48,7 фоизгача етказиш, 2020 йилга бориб қишлоқ жойларда хизматларни 1,8 бараварга, КБХТ субъектларига ажратилаётган кредитлар миқдорини 2020 йилга бориб 2,2 баробарга ошириш белгиланган²⁷.

Таҳлилларимизга кўра, кейинги 5 йилда кичик бизнесни ривожланишида кескин ўсиш кузатилган бўлиб, рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари сони 1,3 баробарга, фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари 1,4 баробарга ҳамда янгидан ташкил қилинган кичик бизнес субъектлари сони 1,8 баробарга ошиши таъминланган. Мазкур кўрсаткичлар хизмат кўрсатиш тармоқларида мос равишда 1,2, 1,3 ва 1,8 баробарга тенг эканлиги аниқланди²⁸. Келтирилган маълумотларга асосан қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, хизматлар соҳасида КБХТ субъектлари кейинги 5 йилда миқдоран ўсишига қарамасдан, сифат жиҳатдан бошқа соҳаларга нисбатан пастроқ ўсиши таъминланган.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги “2016 - 2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 55-сон Қарори


²⁸ www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси расмий сайти)

Мамлакатимизда фаолият юритаётган ва янгидан ташкил қилинган кичик бизнес субъектлари сонида хизматлар соҳасидаги КБХТ субъектлари улушининг юқорилиги КБХТни ривожланишида хизматлар соҳаси ролини қанчалик аҳамиятли эканлигини ифодалашга хизмат қилади.

Таҳлилларимизга кўра, 2013 ва 2018 йилларда АКТ ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлардан ташқари хизмат кўрсатишнинг барча тармоқларида иқтисодий фаол КБХТ субъектлар сони ошиши таъминланган. Энг юқори ўсиш ташиш ва сақлаш, шунингдек турар жой ва озиқ-овқат хизматларига тўғри келиб, 2018 йилда уларда иқтисодий фаол корхоналар сони 2013 йилга нисбатан 1,7 баробарга ўсиши таъминланган.

Таҳлиллар 2013-2018 йилларда хизмат кўрсатиш тармоқларида янгидан ташкил қилинган кичик бизнес субъектлари сонини ўсиши таъминланганлигини кўрсатмоқда. Энг эътиборлиси, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар тармоғида янгидан ташкил қилинаётган кичик корхоналар сони 0,4 мингдан 11 минггача етказилиб, ушбу кўрсаткич 2,8 баробарга ошган. Бошқа томондан эса, айнан соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида кичик корхоналарнинг фаоллик даражасини ушбу даврда 10 фоизга камайиши кузатилган.

Муаллиф томонидан диссертацияда хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг ўзига хос ташкилий-иқтисодий механизмлари тақлиф этилган (3-расм).



3-расм. Хизматлар соҳасида КБХТни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари²⁹

²⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Хизматлар соҳасида кичик бизнес стратегик зоналари,коворкинг, кластерлар, аутсорсинг, ДХШ асосида кичик бизнесни ривожлантириш ташкилий-иқтисодий механизмларининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Тадқиқот қарийб ўн йиллик КБХТ ривожланиш тенденциялари чуқур таҳлил қилиниб, Хоразм вилояти ҳудудлари табақалашган гуруҳларга ажратилди. Бу гуруҳлаш истиқболда айнан иқтисодиётнинг қайси соҳаси ва қайси ҳудудда КБХТни қайси йўналишига эътибор қаратишни аниқлашга имкон беради (2-жадвал).

2-жадвал.

2009-2019 йилларда Хоразм вилояти туман ва шаҳарларини КБХТнинг иқтисодиёт тармоқлари ялпи маҳсулотигади ва айрим кўрсаткичлардаги улушлари даражаси бўйича гуруҳланиши³⁰

Иқтисодиёт тармоқлари ва айрим кўрсаткичлар	Улуши паст даражада(0-33,0)	Улуши ўртача даражада (33,1-66,0)	Улуши юқори даражада (66,1-100)
Саноат	Гурлан (26,0), Хазорасп (19,8), Хонка (23,4), Янгиариқ (24,4), Янгибозор (29,1), Қўшқўпир (30,6)	Шовот (34,3), Урганч т.(64,6), Урганч ш.(37,3), Боғот (42,2)	Хива т (64,3), Хива ш.(99,8)
Қурилиш		Урганч ш (64,5), Урганч т. (62,6)	Гурлан (89,9), Хазорасп (82,5), Хонка (68,1), Янгиариқ (91,0), Янгибозор (89,5), Қўшқўпир (88,3), Шовот (90,1), Боғот (86,3), Хива т. (66,3), Хива ш. (95,0)
Қишлоқ хўжалиги			Урганч ш. (99,9), Гурлан (98,9), Хазорасп (96,4), Хонка (96,0), Янгиариқ (97,5), Янгибозор (98,0), Қўшқўпир (98,3), Шовот (97,0), Боғот (98,3), Хива т. (97,7), Хива ш. (100,0)
Чакана савдо		Урганч ш (42,1), Боғот (60,1), Гурлан (57,9), Қўшқўпир (59,4), Хива (60,4), Шовот (61,0), Янгиариқ (63,6)	Хазорасп (66,9), Урганч (92,6), Янгибозор (67,3), Хонка (67,4), Хива ш. (93,8)
Хизмат		Урганч ш. (46,4), Урганч т. (62,5)	Гурлан (73,5), Хазорасп (71,0), Хонка (73,0), Янгиариқ (79,5), Янгибозор (74,0), Қўшқўпир (72,8), Шовот (72,4), Боғот (72,7), Хива т. (69,3), Хива ш.(92,8)
Инвестиция	Урганч ш. (30,7)	Урганч т.(57,1), Хазорасп (58,0), Хива (64,2)	Гурлан (67,9), Янгиариқ (68,8), Қўшқўпир (68,6), Боғот (69,5), Хонка (70,8), Шовот (75,1), Янгибозор (80,1), Хива ш. (83,5)
Экспорт	Янгиариқ (0,7), Янгибозор (2,1), Қўшқўпир (3,4), Гурлан (7,6), Хазрасп (9,8) Хонка (12,6) Шовот (19,3), Урганч ш.(25,3), Урганч т (30,3)	Боғот (33,4)	Хива т (70,7), Хива ш. (83,6)

³⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

